

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
“O‘zbekiston Pochtasi” АЖ  
Кузатув кенгаши мажлисининг  
2022 йил 29 июндаги баёнига  
З-илова

**“O‘ZBEKISTON ROSHTASI” АЖ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТАЙИНЛОВЛАР ВА ҲАҚ ТҮЛАШ БЎЙИЧА  
ҚўМИТА ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

Тошкент - 2022 йил

## **I. Умумий қоидалар**

1.1. “O‘zbekiston Pochtasi” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг Тайинловлар ва ҳақ тўлаш бўйича қўмитаси тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонига, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 марта даги 166-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясига, “O‘zbekiston Pochtasi” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига, Корпоратив бошқарув кодексига, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. “O‘zbekiston Pochtasi” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг Тайинловлар ва ҳақ тўлаш бўйича Қўмита (кейинги ўринларда - Қўмита) корхона Кузатув кенгаши қарори билан ташкил қилиниб, корхонанинг кадрлар, уларнинг ташкилий ривожланиши ва рағбатлантириш соҳасида олиб бораётган сиёсатининг шаклланиши, назорати, мувофиқлаштируви ва келишувини амалга оширувчи орган хисобланади.

1.3. Қўмита ўзига тегишли бўлган хукуқий мақоми, ташкил этилишидаги мақсад ва вазифалари, унинг аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари, Қўмита ваколати, Қўмитанинг ташкил этилиши ва қабул қиласидаги қарорларини тартибгасолувчи Низом асосида фаолият юритади.

1.4. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва норматив-хукуқий хужжатлари, корхона Устави, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши, мулқдор ва корхона Кузатув кенгаши қарорларива корхонанинг бошқа ички меъёрий хужжатлари асосида иш юритади.

## **II. Қўмитанинг мақсад ва вазифалари**

2.1. Қўмитанинг ташкил этилишининг асосий мақсади корхонанинг кадрлар, уларнинг ташкилий ривожланиши ва рағбатлантириш соҳасидаги олиб бораётган сиёсатининг шаклланиши, назорати, мувофиқлаштируви ва келишувини амалга оширишдан иборат.

2.1.1. Қўмитанинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Кузатув кенгаши ҳамда корхонанинг кадрлар сиёсати ва ташкилий ривожланиши бўйича қарорлари ижросини назорат қилиш;

- корхонанинг раҳбари, ижро этувчи орган аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларининг рағбатлантириш (рағбатлантирилиши) тизими бўйича таклифлар (тавсиялар)ни шакллантириш;

- Кузатув кенгаши, ички аудит хизмати ва Кузатув кенгаши қошидаги қўмиаталар аъзоларини рағбатлантириш (рағбатлантирилиши) тизими бўйича таклифлар (тавсиялар)ни шакллантириш;

- корхонанинг раҳбари, ижро этувчи орган аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларининг фаолиятини тахлил қилиш ва баҳолаш;

2.1.2. Корхонанинг Кузатув кенгашига кўриб чиқиши учун олиб чиқиладиган қўйидаги ҳужжатларни олдиндан кўриб чиқиш ва келишиш:

- корхонанинг Кузатув кенгаши аъзоларига хақ ва (ёки) компенсация тўлашбўйича Кузатув кенгашига тавсия киритиши;

- корхонанинг ички ҳужжатларини олдиндан кўриб чиқиш;

- корхонанинг ташкилий тузилмаси (корхонанинг ташкилий тузилиши, бошқарув аппаратининг умумий тузилиши ва корхонанинг фаолият жараёнининг кўриниши);

- корхона бош директориини рағбатлантириш тизими ҳамда корхона ходимларини рағбатлантириш соҳасидаги корхонанингсиёсати;

- корхона бош директори билан тузиладиган шартномаларни (уларнинг ваколатлари муддати ва тўланадиган рағбатлантириш ҳамда компенсация миқдори қисмида) тасдиқлаш, ва Кузатув кенгаши раисига Жамият номидан имзолаш учун киритиши.

- корхонанинг алоҳида лавозимларига номзодларни келишиш (кузатув кенгаши томонидан белгиланган лавозимлар рўйхати асосида);

- корхонанинг Кузатув кенгаши топширифи бўйича берилган бошқа масалалар.

### **III. Қўмита хукуқлари**

3.1. Қўйилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги хукуқларга эга:

3.1.1. Корхонанинг ижро органидан ва раҳбар ходимларидан ва ўз фаолиятини юритиш учун зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни олиш хукуқига эга;

3.1.2. Қўмита ваколатлари доирасидаги қарор ва топширикларни бажариш, Қўмита йиғилишларида иштирок этиш мақсадида зарур бўлган ҳолатларда Қўмита раиси қарори билан корхонадаги раҳбар шахсларни, корхона Кузатув кенгашининг бошқа Қўмита вакилларини даврий ёки мунтазам равишда таклиф этиши;

3.1.3. Қўмита фикрига кўра масалани чуқурроқ ўрганилишига зарур бўлса, Қўмита ваколатларига тегишли бўлган масала бўйича ўз ташаббусига кўра, корхона Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталарининг фикрини талаб қилиб олиш;

3.1.4. Қўмита вазифаларини бажариш мақсадида корхонанинг ички ҳужжатлари ва корхона Кузатув кенгаши қарорларини ижро этиш

доирасида, топширик, кўрсатма ва амалий ёрдам бериш;

3.1.5. Кўмитага тақдим этилаётган маълумотларнинг (маълумот, хужжатлар) таркиби ва кўринишига талаблар қўйиш;

3.1.6. Кўмита раиси хужжатларни кўриб чиқиши ва улар бўйича қарор қабул қилиш мақсадида Кўмита аъзолари ва таклиф қилингандар иштирокида оператив йиғилиш ахборот-коммуникация технологиялари орқали ЎРҚ-726 ўтказиши хукуқига эга;

3.1.7. Корхона Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

3.1.8. Корхона ижроия органи ва корхонанинг бошқа мансабдор шахслари билан Кўмита олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳамкорлик қилиш;

3.2. Кўмита ваколати доирасидаги ҳар қандай масала бўйича қарор қабул қилиши хукуқига эга;

3.3. Кузатув кенгашининг қарори билан Кўмитага қўшимча хукуқлар ҳам берилиши мумкин.

#### **IV. Кўмита мажбуриятлари.**

4.1. Кўмита қуидаги мажбуриятларга эга:

4.1.1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Низом, корхона Устави ва ички хужжатлари асосида ўзига юқлатилган вазифаларни бажариш ҳамда ўз фаолиятини сидқидилдан олиб бориш;

4.1.2. Корхона акциядорларининг хукуқлари, манфаатлари ва қизиқишлини ҳимоя қилиш принциплари асосида фаолият юргизиш;

4.1.3. Корхонанинг тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик ҳамда маҳфийлик талабларини бажариш.

#### **V. Кўмита таркиби ва уни тузиш тартиби**

5.1. Кўмита корхона Кузатув кенгаши қарори билан унинг аъзолари орасидан 3 кишидан иборат таркибда сайланади.

5.2. Кўмита аъзоларини сайлаш вақтида ўз ваколатларидан тўлақонли фойдаланишлари учун уларнинг маълумоти, касбий маҳорати, қўмита фаолияти соҳасидаги иш тажрибаси ва бошқа маҳсус билимга эга эканликлари инобатга олиниши зарур.

5.3. Корхона Кузатув кенгаши қарори билан Кўмитанинг ҳар қандай аъзосининг ваколатлари муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

5.4. Кўмита раиси, шунингдек Кўмита аъзолари ҳам корхона Кузатув кенгаши раиси ва Кўмита раиси номига ариза ёзиб ўз ваколатларини тўхтатишлари мумкин.

5.5. Кўмитага раҳбарлик қилиш ва фаолиятини ташкил этиш Кўмита

раиситомонидан амалга оширилади.

5.6. Кўмита раиси корхона Кузатув кенгаши йиғилишида иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан Кўмита аъзолигига сайланган номзодлар орасидан сайланади.

5.7. Корхона Кузатув кенгаши Кўмита раисини исталган вақтида қайта сайлаш хуқуқига эга.

5.8. Кўмита раисининг вақтинчалик йўқлигига раис вазифасини бажариб туриш аъзолардан бирига юклатилиши мумкин.

## **VI. Кўмитанинг иш регламенти**

6.1. Кўмита ўз вазифаларини амалга оширишда корхона Кузатув кенгашининг бошқа Кўмиталари раислари, Кузатув кенгашининг ва корхона бош директори ҳамда корхонанинг бошқа мансабдор шахслари билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради.

6.2. Корхона бош диреткори ва корхонанинг бошқа мансабдор шахслари Кўмита раисининг сўровномаси асосида Кўмита ваколати доирасида бажарилиши зарур бўлган мақсад ва вазифаларни амалга оширилиш ҳамда қарорқабул қилиши учун маълумот ва ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар. Ушбу Кўмита томонидан сўралган маълумотлар агар Кўмита раиси томонидан юборилган сўровномада бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, З иш куни ичида тақдим этилиши зарур.

6.3. Кўмита фаолияти доирасида Кўмита раисининг шахсий имзоси билан тасдиқланган турли расмий ҳужжатлар расмийлаштирилиши мумкин. Кўмита йиғилиши (мажлиси) баённомалари, қарор, топшириқ, сўровномалар, хулоса ва хоказо шулар жумласидандир.

6.4. Кўмита ишини ташкил этиш учун Жамиятнинг кадрлар бўлими бошлиғи Кўмита котиби этиб тайинланади.

6.5. Кўмита ваколати доирасида қабул қилинган барча қарорлар қабул қилинган кунидан бошлаб, корхона бош директори, Корхонанинг бошқа мансабдор шахслари учун ижро этиш мажбурийдир. Ушбу қарорларда кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар қарорнинг ўз вақтида ҳамда қарор ижросига мос равишда бажарилишига шахсан жавобгардирлар.

## **VII. Якуний қоидалар.**

7.1. Ушбу Низом корхона Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда тасдиқланган санадан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

7.2. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни корхона Кузатув кенгаши томонидан Кўмита раиси ҳамда корхона Кузатув кенгаши раиси ташабbusлари орқали амалга оширилади.